# Беш йилликни муддатидан илгари бажарайлик!

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21 йил чиқиши. № 155 (5248). | 9 август, 1974 йил | Ж У М А | Баҳоси 2 тийин.

## ҚУРУВЧИЛАР ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

Республика қурувчилари ва монтажчилари республика ва Узбекистон Компартиясининг олтин юбилейи шарафига қабул қилган юксак социалистик мажбуриятларини бажариш учун астойдил кураш олиб бормоқдалар. Республика партия-хўжалик активининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида таъкидлаб ўтилганидек, улар йилнинг биринчи ярмида муҳим ишлаб чиқариш қувватларини, кўплаб уй-жойлар, мактаблар, болалар муассасалари ҳамда маданий ва маиший муассасаларни ишга туширдилар. Қурувчиларнинг меҳнат вахтаси давом этмоқда. Улар шу йилнинг еттинчи ойи мобайнида ўтган йилнинг еттинчи ойидагига нисбатан 9 процент кўп капитал маблағ ўзлаштирдилар ва қурилиш-монтаж ишлари планини 5 процент ошириб бажардилар.

Министрликлар ва идоралар пудрат қурилиш-монтаж ишлари еттинчи ойлик планини қуйидагича бажардилар:

(Биринчи устун — еттинчи ой ичида планнинг бажарилиши, процент ҳисобида, иккинчи устун— шу йилнинг 7 ойи ичида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан процент ҳисобида)

| | | |
|---|---|---|
| Узбекистон ССР Қурилиш министрлиги | 98 | 101 |
| Узбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги | 99 | 107 |
| Узбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш министрлиги | 104 | 99 |
| «Главташкентстрой» | 102 | 102 |
| Узбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги | 104 | 125 |
| «Узглавводстрой» | 105 | 113 |
| Узбекистон ССР Автомобиль йўллари қурилиши ва ундан фойдаланиш министрлиги | 105 | 112 |
| «Узколхозстрой» | 102 | 109 |

Шу билан бирга қурилиш министрлиги, қишлоқ қурилиши министрлиги ва Главташкентстройнинг баъзи бир коллективлари ишда эришилган суръатларни июль ойида бирмунча пасайтириб юборишди. Айрим коллективлар 1 сентябргача ишга туширилиши лозим бўлган болалар муассасаларини ва айниқса мактабларни қуришда орқада қолмоқдалар.

Қурувчилар ва монтажчиларнинг вазифаси шуки, улар йилнинг биринчи ярмида эришилган иш суръатларидан ўзиб кетишлари, барча мактабларни ўқув йили бошлангунгача— 1 сентябргача қуриб битказиб, ишга тушириш юзасидан зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажаришлари, болалар муассасаларини қуришдаги ишни қатъий яхшилашлари лозим.

Бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустриясининг барча қурилиш ва монтаж бўлимлари, корхоналарининг партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари республика партия-хўжалик активи йиғилишининг капитал қурилиш масалаларига бағишланган қарорини коллективининг ҳар бир аъзоси онгига етказишлари, шу қарорни бажариш юзасидан ташкилотчилик ишини кенг авж олдириб юборишлари лозим.

## ВОЛГОГРАД ОБЛАСТЬ КАЛАЧ РАЙОНИДАГИ „ВОЛГО-ДОН“ СОВХОЗИНИНГ ТРАКТОРЧИЛАРИ СТЕНКОВОЙ, КОЛЕСНИКОВ, ВЛАСОВ, ДЕРЕЗЕНКО, ЖОЛУДЬ, МИРСКОВ ЎРТОҚЛАРГА

Азиз ўртоқлар!

Сизнинг звеноингиз «ДТ-75М» маркали уч трактор билан бир суткада нормадаги 46 гектар ўрнига 103,6 гектар ер ҳайдаганлиги тўғрисидаги хабар техниканинг максимал унумдорлиги учун ҳосил ўрим-йиғимида бошланган социалистик мусобақа қишлоқ хўжалик ишларининг бошқа турларига ҳам ёйилишидан далолат бермоқда.

Кузги экинлар экиш учун ер ни ўз вақтида тайёрлаш ва ерни шудгорлаш агротехникада нақадар катта роль ўйнаётганлиги колхоз ва совхоз меҳнатчиларига маълум. Бу—мўл ҳосил етиштиришнинг ғоят муҳим шартларидан бирдир. Шу боисдан ҳам ишларни бажариш муддатларини қисқартиришни таъминлаётган ҳайдов тракторларидан юксак унумли фойдаланишдан иборат сизнинг ажойиб ташаббусингиз халқ хўжалиги аҳамиятини касб этмоқда.

Ҳар бир трактордан юксак унумли ишлашга эришиш катта иқтисодий самара келтиради, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш чиқимларини камайтириш, кам сондаги техника билан далаларда ва фермаларда арзонроқ маҳсулот етиштиришни таъминлаш имконини беради.

Сизларни, ўртоқлар меҳнатда эришган муваффақият билан қутлаб, сизнинг тажрибангиз кузги экинлар экиш учун ерни тайёрлашда ва ерни шудгорлашда ишлаётган тракторчиларнинг ўн минглаб звенолари мулки бўлиб қолади, деб ишонаман. Сизнинг звеноингиз ва «Волго-Дон» совхозининг ҳамма механизаторлари барча кузги қишлоқ хўжалик ишларини қисқа муддатларда уддалаб, келгуси йил мўл ҳосили учун яхши замин яратадилар, деб ишонч билдираман.

Л. БРЕЖНЕВ.

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВга

Азиз Леонид Ильич! Сизнинг Ростов областидаги «Московский» совхози ўрим-йиғим усталарига йўллаган табригингиздаги самимий сўзлар барча қишлоқ меҳнатчилари ўртасида социалистик мусобақани янада кучайтириб юборди. Волгоград область, Калач районидаги Ленин орденли «Волго-Дон» совхозининг механизаторлари беш йилликнинг белгиловчи йили ўрим-йиғимини зарбдор меҳнат билан нишонладилар. Совхоз эртанги дон экинлари ўрим-йиғимини областда биринчи бўлиб тугаллаб, давлатга ғалла сотиш мажбуриятини бажарди. Ғалла топшириш давом этмоқда. Ватан омборларига 1 миллион пуддан зиёд дон тўкишга қарор қилинди.

Ҳозир қишлоқ хўжалик ишларининг янги, муҳим палласи — кузги экинлар экиш учун ерни тайёрлаш ва шудгорлаш ишлари мавсуми бошланди. Биз ғалла ўрим-йиғимини тугаллаб, ана шу масъулиятли ишларда гвардиячасига меҳнат қилишга қарор қилдик ва 1975 йил ҳосили учун ерни тайёрлашга дарҳол киришдик. Биз ибрат оладиган кишилар бор. 1942 йилда қаҳрамон совет жангчилари Сталинград остоналарида фашист босқинчилари қуршови халқасини совхозимиз ерида бирлаштирдилар. Улар ноёб мардликлари ва жасоратлари билан Волгада тарихий ғалабага эришишга ёрдам бердилар.

Зўр мамнуният билан сизга маълум қиламизки, олти тракторчидан иборат бизнинг звеномиз учта «ДТ-75М» трактори билан икки сменада ишлаб, 3 августда бир суткада нормадаги 46 гектар ўрнига 103,6 гектар ер ҳайдадик.

Совхознинг барча механизаторлари ҳайдов тракторларининг юксак унумдорлигига эришишга ва кузги экинлар экиш учун ерни 15 августгача тайёрлашга, шудгорлашни эса 15 сентябргача тугаллашга қарор қилдилар.

КПСС жонажон ленинчи Марказий Комитетимизни ва, азиз Леонид Ильич, шахсан сизни ишонтириб айтамизки, беш йилликнинг якунловчи йилида мўл ҳосил етиштириш учун барча ишларни қиламиз, социалистик Ватан қудратини янада мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшамиз.

**Звено бошлиғи В. Я. СТЕНКОВОЙ, Тракторчилар — Л. Д. КОЛЕСНИКОВ, П. В. ВЛАСОВ, В. И. ДЕРЕЗЕНКО, М. А. ЖОЛУДЬ, В. Б. МИРСКОВ.**

## *ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА ОЛИНГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Узбекистон ССР Олий Совети шуни қайд қиладики, Узбекистон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари ва зиёлилари Узбекистон Совет Социалистик Республикаси ва унинг Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигини мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатлар дўстлиги ва кардошлигининг катта умумхалқ байрами, ленинча миллий сиёсат таантанаси, пролетар интернационализми принциплари таантанаси байрами сифатида нишонлашга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Узбекистон ССР Министрлар Совети, Узбекистон Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми қарорларини ҳамда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев пахтакор республикалар партия-хўжалик активининг Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида сўзлаган нутқида республика олдига қўйган вазифаларни жанговар иш программаси сифатида қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида 1974 йилда КПСС XXIV съезди қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун меҳнат шижоатини авж олдириб юбориш ҳақидаги оташин даъватидан илҳомланган республика меҳнаткашлари план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбордилар ва Узбекистон ССР ҳамда Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олдилар.

Республика меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида 1974 йилнинг биринчи ярмида социалистик мажбуриятларни бажариш, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини оширишда анчагина ютуқларга эришдилар.

Биринчи ярим йиллик планнинг асосий топшириқлари бажарилди, саноат маҳсулотини реализация қилиш, буюмларнинг асосий турларини ишлаб чиқариш, саноат, қурилишда меҳнат унумдорлигини ошириш, барча турдаги транспортда юк ташиш, чорвачиликнинг асосий маҳсулотлари ва пилла харид қилиш, чакана товар оборотининг аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми каби қатор кўрсаткичлар бўйича планлар ошириб бажарилди.

Капитал қурилиш яхшиланди: асосий фондларнинг 25 процента ишга туширилиб, ўтган йилнинг ҳудди шу давридагига нисбатан 12 процент кўп капитал маблағлар ўзлаштирилди. Бир қатор корхоналар ва ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди, кўплаб уй-жой, мактаблар, мактабгача болалар муассасалари, касалхоналар ва бошқа маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига олган юксак социалистик мажбуриятларининг бажарилиши учун фидокорона курашмоқдалар. Улар баҳорги экинларни уюшқоқлик билан ва қисқа муддатларда экиб олиб, баҳорнинг ноқулай шароитлари ва сув танқислигини енга бориб, жами пахта майдонларининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтариш, бошқа экинлардан юқори ҳосил олиш, чорва моллари туёғини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш учун фидокорона кураш олиб бормоқдалар. Биринчи ярим йилликда давлатга чорвачилик маҳсулотлари ва пилла сотиш анча ортиги билан бажарилди, ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан давлатга анча кўп миқдорда сабзавот, картошка ва мева-чева сотилди.

Эришилган муваффақиятлар партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг беш йилликнинг тўртинчи, белгиловчи йили давлат планларини ва юксак социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун оммавий социалистик мусобақани авж олдириб юбориш юзасидан амалга оширган катта сиёсий ва ташкилотчилик ишлари натижасидир.

Кенг меҳнаткашлар оммасининг ижодий куч-ғайрати ишлаб чиқаришни юксалтириш ва унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи ички хўжалик резервларни қидириб топиш ва улардан фойдаланишга каратилди.

План топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун меҳнаткашларнинг умумхалқ мусобақасида муқобил планлар вужудга келиб кенг ривож топди, турдош корхоналар коллективлари ўртасида шартномалар тузиш тажрибаси кенгайди. Корхоналарнинг илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари билан алоқаси мустаҳкам бўлиб қолди, ишлаб чиқаришга фан ва техника ютуқларини жорий қилишни тезлаштириш учун ишчиларнинг шахсий планларини ва инженер-техник ходимларнинг ижодий планларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш ҳаракати кенг ривож топди.

Саноат, қурилиш ва транспорт илголаридан бир группасининг бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш юзасидан мажбурият олиб, ажойиб ташаббус бошлаганлиги меҳнаткашларимиз ишга ижодий, коммунистик муносабатда бўлаётганликларининг ёрқин намунасидир. Саноатнинг ўзида бу ҳаракатга 1600 дан зиёд ишчи қўшилди. Улар смена нормаларини ошириб бажариб, ўнинчи беш йиллик ҳисобига ишламоқдалар.

Беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш ва Узбекистон ССР ҳамда Узбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган республика миқёсидаги социалистик мусобақада 1974 йилнинг иккинчи квартали якунларига кўра Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Жиззах, Сурхондарё ва Самарқанд областлари ғолиб бўлишди. Уларга Узбекистон КП Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети, Узбекистон Касаба союзлари республика совети ва Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари ҳамда дипломлари берилди.

Шу билан бирга, Узбекистон ССР Олий Совети қайд қиладики, давлат плани топшириқларини бажариш ва социалистик мажбуриятларни адо этишда ҳали жиддий камчиликлар мавжуд. Саноатнинг баъзи тармоқларида саноат маҳсулотининг ўсиш суръатлари кўнгилдагидек эмас ва йиллик план ҳамда мажбуриятларнинг бажарилиш даражаси паст. Масалан, химия саноатида саноат маҳсулотининг ўсиш суръатлари биринчи ярим йиллик планга кўра ҳисоб-китоб қилинган 17,7 процент ўрнига 9,9 процентни ташкил этди, ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноатида 12 процент ўрнига 8,4 процент бўлди. Енгил ва маҳаллий саноат министрликлари бўйича ҳам худди шундай аҳвол юз берди.

Бир қатор областларда йиллик мажбуриятларни бажаришда жиддий аҳвол юз бермоқда. Масалан, Тошкент шаҳри корхоналари биринчи ярим йилликда маҳсулот реализация қилиш йиллик мажбуриятининг 46,2 процентини, Тошкент области 39 процентини, Хоразм области 41,3 процентини бажарди.

Саноатнинг айрим тармоқларида ишлаб чиқариш қувватларидан қониқарсиз фойдаланилмоқда, сменалаб ишлашни кўпайтиришга етарли эътибор берилмаётир. Бир қатор машинасозлик заводларида иш сменаси 1,1-1,2 дан ошмайди.

Биринчи ярим йилликда республикадаги 28 корхона маҳсулот реализация қилиш планини бажара олмади, баъзи корхоналар эса меҳнат унумдорлигини оширишни планини ҳаддидан ошириб олмади.

Кейинги пайтларда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг сифати яхшиланди. Бироқ, кўпгина корхоналарда ҳали ҳам маҳсулотнинг айрим турларини сифатсиз ишлаб чиқариш, амалдаги стандарт талабларини бузиш ҳоллари юз бермоқда. Баъзи министрлик ва идораларнинг корхона ва ташкилотлари янги техниканы жорий қилиш планларини бажармаётирлар.

Қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришида ҳам камчиликлар ва фойдаланилмаётган резервлар мавжуд. Айниқса Жиззах, Фарғона, Бухоро ва Самарқанд областларида ғўзани комплекс парвариш қилиш ва суғоришда шундай камчиликлар юз бермоқда. Кўпчилик хўжаликларда бегона ўтлар ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш бўшаштириб юборилган, культивацияни ўз вақтида ва сифатли ўтказишга эътибор берилмаётир. Пахта териш техникаси ремонти чўзилиб кетмоқда. Бу иш айниқса Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Фарғона областларида суст бормоқда. Баъзи областларда сабзавот экинлари кам экилишига йўл қўйилди.

Капитал қурилишида планларни бажариш ва социалистик мажбуриятларни адо этишда жиддий камчиликлар мавжуд. Енгил саноат, Қишлоқ хўжалик министрликлари, «Главташкентстрой», Алоқа министрлиги, «Узсельхозтехника», Соғлиқни сақлаш министрлиги, Бухоро, Тошкент ва Сирдарё областлари бўйича асосий фондларни ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишда жиддий қолоқликка йўл қўйилди. Республиканинг қурилиш ташкилотларида кадрлар қўнимсизлиги ҳали ҳам кўп, иш вақтини беҳуда сарфлашга кўплаб йўл қўйилмоқда.

Республика халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам камчиликлар ва фойдаланилмаётган резервлар мавжуд.

Узбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети **қарор қилади:**

1. КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун курашда кенг меҳнаткашлар оммасининг ташаббускорлиги ва ижодий активлигини янада ошириш, Узбекистон ССР ва Узбекистон Коммунистик партиясининг ярим асрлик юбилейи шарафига план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдириш республика министрликлари ва идораларининг, меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ва хўжалик ташкилотларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

2. Министрликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети меҳнаткашлар депутатларининг маҳаллий Советлари ижроия комитетлари касаба союз ва комсомол ташкилотлари билан биргаликда:

а) ҳар бир корхона, қурилиш, колхоз ва совхознинг юбилей мажбуриятларининг қандай бажарилаётганлигини муфассал ўрганишлари, уларнинг иш якунларини министрликлар ва идораларнинг коллегия мажлисларида, меҳнаткашлар депутатлари Советларининг навбатдаги сессияларида кўриб чиқишлари ва бу мажбуриятларнинг тўла ва ошириб бажарилиши учун зарур тадбирларни кўришлари;

б) социалистик мусобақанинг кенг ошкоралиги ва таъсирчанлигини таъминлашлари, илғор тажрибани кенг ёйишлари ва жорий этишлари, ишда моддий ва маънавий рағбатлантиришни тўғри қўшиб олиб боришлари;

в) саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт, алоқа, колхоз ва совхозлар коллективларининг асосий диққат-эътиборини ички резервлар ҳамда фан ва техника ютуқларидан фойдаланишни яхшилаш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга тушириш ва ўзлаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш асосида ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлиги самарадорлигини оширишга қаратишлари;

г) ер ва сувдан фойдаланишни яхшилаш, сув хўжалиги объектларини ўз вақтида фойдаланишга топшириш, химиялаштириш ва комплекс механизациялаш асосида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришишлари, бутун кучни мамлакатга камида 5 миллион тонна пахта етказиб бериш ҳақидаги мажбуриятнинг бажарилишига сафарбар этишлари;

д) меҳнаткашларга юксак унумли меҳнат қилиш ва маданий ҳордиқ чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари, аҳолининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондиришга эришишлари, савдо маданиятини оширишлари, умумий овқатланиш, аҳолига коммунал ва маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашлари зарур.

Узбекистон ССР Олий Совети республиканинг барча меҳнаткашларини Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдиришга, бу шонли юбилейни КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширишда, беш йилликнинг тўртинчи, ҳал қилувчи йили планлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришда янги муваффақиятлар билан кутиб олиш учун бутун куч-ғайратларини сафарбар қилишга даъват этади.

**Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.**

**Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.**

1974 йил, 6 август.
Тошкент шаҳри.

# ГЕКТАРИДАН 80 ЦЕНТНЕРДАН МАККАЖЎХОРИ ДОНИ УЧУН

УРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ «ЛЕНИН ЙЎЛИ» КОЛХОЗИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ВА ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ ДОН УЧУН ЕТИШТИРИЛГАН МАККАЖЎХОРИНИ ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ЎРИБ-ЙИҒИБ ОЛИШ, ДАВЛАТГА МАККАЖЎХОРИ ДОНИ ТОПШИРИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН

## Т А Д Б И Р Л А Р И

ЮБИЛЕЙ йилида бизнинг колхозимиз маккажўхорикорлари ҳар гектар ердан 80 центнердан маккажўхори дони етиштиришга аҳд қилдилар.

Мўл маккажўхори дони етиштиришга ўтган йил кузданоқ катта тайёргарлик кўрилди. Ҳосилдан бўшаган ерларга етарли миқдорда маданий ва маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди. Ер маълум чуқурликда ҳайдалди, эрта кўкламда тупрок етилиши билан борона босилди, шундан кейин чизель солинди, яна борона қилиниб, мола босилди.

Экишни қисқа муддатда ўтказдик. Ҳар гектар ерга 25 килограммдан ВИР—338ТВ дурагай маккажўхори нави экилди. Силос учун экилган маккажўхори қатор ораси 60 ва дон учун мўлжалланган маккажўхори қатор ораси 90 сантиметр қилиб жойлаштирилди. Мавсумда қатор ораларига олти-етти марта ишлов берилди, беш марта суғорилди. Ҳозир маккажўхорининг бўйи 2—2,5 метрга етди. Ҳар тупда икки-учтадан бўлиқ сўта бор. Ҳар гектар ердаги кўчатлар сони 45 минг тупдан ошади.

Биз ана шу мўл ҳосилни ўз вақтида сира нобуд қилмасдан ўриб-йиғиб олиш ва тўққизинчи беш йиллиқнинг тўртинчи йилида ўз зиммамиздаги мажбуриятимизни ошириб бажариш учун маккажўхорини 10 иш кунида ўриб-йиғиб олиш ва бунинг учун қуйидаги тадбирларни амалга оширишни белгиладик.

1. Маккажўхори донининг тўлиқ пишиб етилиши учун қўшимча равишда 5—10 август ораларида бир марта суғориш: бунинг учун масъулиятли шахслар — колхоз бош агрономи Ж. Мусақулов ва маккажўхорикорлик бригадаси бошлиғи Ж. Қамбаров.

2. Маккажўхори экилган далани механизация воситасида ўришга тайёрлаш, карта четларини ва ўват-марзаларни текислаш. Бу ишни бажариш муддати 10—15 август, масъулиятли шахс—колхоз гидротехниги Х. Нишонов.

3. Маккажўхори экилган майдонларда комбайннинг ўтиши учун ҳар юз метр оралиқда кенглиги 8,5 метрдан йўлак очиш, бунинг учун маккажўхорини қўлда ўриш учун 220 киши ажратиш, ҳар бир киши учун ўриш нормаси 0,05 гектар. Бу ишни бажариш муддати 14—15 август. Ишни бажариш учун масъулиятли шахслар бригадир Ж. Қамбаров, бош агроном Ж. Мусақулов.

4. Маккажўхорини ўриш-йиғиш ва ташиш техникасини кўздан кечириб чиқиш ва салт юргизиб синаб кўриш. Ишни бажариш муддати 10—12 август. Масъулиятли шахс—колхоз бош инженери А. Ким.

5. Маккажўхорини ўришда хавфсизлик техникасига риоя қилиш юзасидан бир кунлик семинар ўтказиш ва бунда маккажўхорини ўриб синаб кўриш. Ўтказиш муддати 10 август. Масъулиятли шахслар — бош агроном Ж. Мусақулов, хавфсизлик техникаси бўйича инженер Т. Баербеков.

6. Маккажўхорини ўриш даврида комбайнларга ва бошқа агрегатларга кўчма автоустахона хизмат кўрсатади. Унда тажрибали механиклар иш олиб боради. Ишнинг бажарилиш муддати 15—25 август. Масъулиятли шахс—бош инженер А. Ким.

7. Қўлда ўрилган маккажўхори пояларидаги сўталарни йиғиб олиш учун 80 киши ажратилади. Бир киши учун кундалик норма бир тонна. Ишнинг бажарилиш муддати 14—15 август. Ишни ташкил қилиш учун масъулиятли шахслар—бош агроном Ж. Мусақулов, бригадир Ж. Қамбаров.

8. Қўлда ўрилган маккажўхори поясини силос учун қирқиш мақсадида силос комбайнига узатиш учун 150 киши ажратилади. Бир киши учун кундалик норма икки тонна. Ишнинг бажарилиш муддати 15—17 август. Масъулиятли шахс — колхоз бош зоотехниги С. Қорақулов.

9. Қўлда йиғиб олинган маккажўхори донини ташиш учун иккита трактерга тиркалган 20 та прицеп арава ажратилади. Ишнинг бажарилиш муддати 14—15 август. Масъулиятли шахс—бош инженер А. Ким.

10. Маккажўхори донини қуритиш учун асфальт ётқизилган майдонча тайёрлаш. Ишни бажариш муддати 10 августгача. Масъулиятли шахс —колхоз партия ташкилотининг секретари А. Илёсов.

11. Маккажўхорини ўриш кунларида дала шийпонларидэ уч маҳал иссиқ овқат ташкил қилиш. Ишнинг давом этиш муддати 15—25 август. Масъулиятли шахс—колхоз бош бухгалтери А. Ширинбеков.

12. Дала шийпонларини жиҳозлаш, оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, кўчма кутубхона ишини ташкил қилиш, жанговар варақа чиқариш, газета ва журналларнинг янги сонларини келтириб туриш. Ишнинг давом этиш муддати 14—25 август. Масъулиятли шахс колхоз партия ташкилотининг секретари А. Илёсов.

13. Маккажўхори ўришда ишлаётган механизаторларни моддий рағбатлантириш максадида уларга тариф ставкасининг 5—6 разряди бўйича ҳақ тўланади. Кунлик норма—икки гектар маккажўхори ўрган бешинчи разрядли механизаторга 5 сўм 18 тийин, олтинчи разрядлисига 5 сўм 82 тийиндан, кундалик нормани ошириб, 3,5 гектардан маккажўхорини ўрган механизаторга қўшимча равишда 30 процентдан ҳақ тўлаб борилади. Социалистик мусобақа шартлари белгилаб чиқилди ва тасдиқланди. Социалистик мусобақа ҳар куни якунланади. кўчма вимпел ва пул мукофоти берилади.

14. Маккажўхори донини қуритиш ва давлатга топширишни пухта ташкил қилиш. Бу ишни бажариш муддати 20 августдан 1 сентябргача, масъулиятли шахс—бригадир Ж. Қамбаров.

15. Маккажўхори донини қўриқлашни пухта ташкил қилиш, унинг ноёб бўлишига ва талонтарож қилиниши йўл қўймаслик, бу иш учун масъулият колхоз партия ташкилотининг секретари А. Илёсов зиммасига юкланади, шунингдек бу ишга меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси ва кўнгилли халқ дружиначилари жалб қилинади.

**БУ ТАДБИРЛАР КОЛХОЗ АЪЗОЛАРИ ЎРТАСИДА МУҲОКАМА ЭТИЛИБ, ЯҚДИЛЛИК БИЛАН МАҚҚУЛЛАНГАН.**

# ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

Бу йил партия группалари, партия бюроси секретарлари ва уларнинг ўринбосарлари сайланадиган цех ва бошланғич партия ташкилотларида коммунистларнинг ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтади. Ҳисобот ва сайловларга тайёргарлик КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун умумхалқ кураши авж олдириб юборилган бир шароитда ўтади. КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарори, ана шу Пленумда, шунингдек Олмаотада бўлиб ўтган тантанали йиғилишда, Москва шаҳри Бауман сайлов округи сайловчиларининг йиғилишида ўртоқ Л. И. Брежневнинг сўзлаган нутқлари ҳисобот даврида барча партия бўғинлари ва уларнинг сайланувчи раҳбар органлари фаолиятига самарали таъсир кўрсатди.

Область коммунистлари учун ҳисобот даври партия сафларининг янада мустаҳкамланганлиги, уларнинг ижодий ва меҳнат активликларининг ўсганликлари билан ҳам қимматлидир. 30 мингдан ортиқ КПСС аъзоси ва КПСС аъзолигига кандидатлар ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олдилар ва бу мажбуриятни муваффақиятли бажармоқдалар. Кўплаб коммунистлар «Беш йиллики тўрт йилда бажарамиз» шиори остида мусобақада актив қатнашмоқдалар. 2 минг коммунист ўзининг шахсий беш йиллик планини бажариб қўйди, бошқалари эса 1975 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Беш йиллик бошлангандан буён маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 27,3 процент ўсиши таъмин этилди. Бу беш йиллик топшириғида кўрсатилганидан 3,4 процент ортиқлиқ, меҳнат унумдорлиги бўйича эса 18,4 процент ўсишга эришилди. Областда енгил ва озиқ-овқат саноати, капитал қурилишни ривожлантириш бўйича ҳам катта тадбирлар амалга оширилмоқда.

Беш йиллиқнинг белгиловчи тўртинчи йилида саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа ходимлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси олтин юбилейини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақада актив қатнашиб, маҳсулотни реализация қилиш етти ойлик планини муваффақиятли бажардилар. Плондан ташқари 72 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг асосий турлари бўйича беш йилликнинг уч йили топшириғини муваффақиятли уддаладилар. Улар бу йил ҳам оби-ҳаво шароити инжиқликларини мардонаворлик билан енгиб, давлатга 420 минг тонна пахта ва бошқа кўплаб деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш учун қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш беш йилликнинг белгиловчи тўртинчи йилида саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, капитал қурилиш бўйича олинган план ва социалистик мажбуриятларни ҳеч сўзсиз бажариш ва умуман бошқа тармоқларда ҳам беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун курашда муҳим босқич бўлмоғи лозим.

Маълумки, бошланғич ташкилот — партиянинг асосини ташкил этади. Улар цех, партия ташкилотлари ва партия группаларининг кенг тармоқлари билан ҳамкорликда партия сиёсатини ҳаётга тадбиқ этиш, коммунистларни тарбиялашда ҳал қилувчи роль ўйнайдилар, омманинг партия билан алоқасини мустаҳкамлайдилар, бевосита яратувчилик ишлари олиб борилаётган жойларда фаолият кўрсатадилар. Ҳозирги пайтда областда 3587 бошланғич, 3915 цех ташкилотлари ва 4047 партия группаси бор. Область партия комитети ўзининг бутун фаолиятида ана шу кучга таянади.

Ҳар бир партия ташкилоти ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётда коммунистларнинг авангардлик ролини таъмин этиши керак. Бўлажак ҳисобот-сайлов йиғилишларида бу масалага алоҳида эътибор бериш лозим. Бу йиғилишлар коммунистлар, барча меҳнаткашларнинг куч-ғайратини жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини тинмай ошириб боришга, илмий-техника тараққиётини тезлаштиришга, маҳсулот сифатини яхшилашга, хўжаликни юритиш ва бошқариш методларини такомиллаштиришга сафарбар этмоғи лозим. Йўл қўйилган камчиликларни тугатишга алоҳида эътибор бериш, айрим коллективларнинг хўжалик ва маданий қурилиш планларини бажармай оқсаб келаётганликлари сабабларини атрофлича таҳлил этиш, ходимларнинг топширилган иш учун масъулятини кучайтириш ва талабчанликни ошириш, партия ва ҳукумат директиваларининг бажарилишини назорат қилишни такомиллаштириш зарур.

КПСС XXIV съезди маъмурият фаолияти устидан назорат қилиш ҳуқуқидан фойдаланадиган партия ташкилотлари доирасини кенгайтириб берди. Областда ҳозирана шу ҳуқуқдан 80 процентдан ортиқ партия ташкилотлари фойдаланадилар. Министрлик, идоралар ва бошқа давлат муассасалари бошланғич партия ташкилотлари зиммасига алоҳида масъулият юклатилади. Улар аппаратнинг иши устидан партиявий назорат қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Партия ташкилотлари ана шу ҳуқуқдан қанчалик моҳирона ва самарали фойдаланмоқдалар, камчиликларни тугатишга қандай ёрдам бермоқдалар, меҳнат коллективлари ишини яхшилашга эришаётгандарми, ҳисобот-сайлов йиғилишларида бу масалаларни чуқур ўрганиб таҳлил этиш лозим.

Йиғилишларда социалистик мулкнинг сақланишини таъмин этиш, давлат ва меҳнат интизоми, совет қонунчилиги тартиб-қоидаларига риоя этилиши масалаларига ҳам алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Партия ташкилотларида ғоявий-сиёсий ишлар савияси, коммунистларга марксча-ленинча таълимот бериш, меҳнаткашларни юксак онглилик, совет ватанпарварлиги, социалистик интернационализм, буржуазия идеологиясига муросасизлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишларнинг йўлга қўйилишини чуқур таҳлил этиш лозим. КПСС XXIV съезди талаблари асосида меҳнат коллективларида ғоявий-сиёсий ишлар савиясини янада кучайтиришга қаратилган конкрет тадбирларни белгилаб чиқиш керак. Ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик жараёнида оммавий-сиёсий ишларнинг барча воситаларидан фойдаланиб, партиямизнинг ленинча ташқи сиёсати моҳиятини, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг ҳалқаро минбарлардаги чиқишлари моҳиятини, ҳозирги замон ҳаётидаги энг муҳим воқеаларни ва ҳодисаларни ҳаётий мисолларда ва ҳужжатлар асосида ёритиш, ишлаб чиқаришда ва ижтимоий ҳаётдаги ҳар бир коммунистнинг ҳаракатини ва ҳаётий позициясини ҳисобга олиб, ҳар бир коммунистнинг ҳаётий позициясини ва ишини ҳаётий ва ижтимоий ҳаётдаги

# ДУНЁ ОВОЗИ
## чет эл хабарлари

## ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

▲ ПРАГА. Чехословакия-Совет дўстлик союзининг Острав шаҳар ташкилоти сафлари шу йилнинг биринчи ярмида 4 минг кишига кўпайди. Шу вақт ичида шаҳарда Чехословакия-Совет дўстлик союзининг 2 та бошланғич ташкилоти таъсис этилди. Острав шаҳрини республиканинг индустриал юраги деб аташади. Ҳозир Острав шаҳрида Чехословакия-Совет дўстлик союзининг 567 та бошланғич ташкилоти бор. Союз активлари орасида ёшлар жуда кўп.

▲ ХЕЛЬСИНКИ. Савонлинна шаҳрида тугаган опера ва балет ҳамда анъанавий музика кунлари 8 фестивалида 40 мингдан ортиқ томошабин қатнашди. Мусоргскийнинг «Борис Годунов» операси кўрсатилганлиги фестивалда марказий воқеа бўлди. Спектакль музика ишқибозларида катта қизиқиш туғдирди. Бош роли Финляндиянинг таниқли ашулачиси Мартти Талвела ижро этди.

▲ ГАВАНА. Варадеро курорт шаҳрида халқаро пионер лагери очилди. Совет Иттифоқи, ВДР, ГДР, Польша, Монголия, Болгария, Чехословакия, Венгрия, Руминия, Аргентина, Перу ва АҚШдан келган болалар бу ерда мактаб каникулларини ўтказишади.

▲ ПАРИЖ. Доль-де-Бретань шаҳри яқинида Кан-Рени тез юрар пассажир поезди изидан чиқиб кетди. Дастлабки маълумотларга кўра, 6 киши ҳалок бўлган ҳамда ўттиздан ортиқ киши ярадор бўлган.

▲ НЬЮ-ЙОРК. Америкининг Камбоджадаги расмий вакиллари шу мамлакат ички ишларига аралашишни давом эттирмоқдалар. Сенат ташқи ишлар комиссиясининг махсус докладида АҚШнинг Пномпенденги элчиси Ж. Дин Лон Нолнинг режимида ҳарбий маслаҳатчи ролини бажараётганлиги кўрсатилибди. Доклад ёзувчиларининг тўхтаҳлицига кўра, Ж. Дин «Лон Нолга стратегик ҳарбий маслаҳатлар ҳамда унга бўйсинган ҳарбий бошлиқларга тактик маслаҳатлар бермоқда».

▲ АККРА. Африка халқлари Африка қитъасида мустамлакачиликни тугатиш жараёнини барбод қилишга уринаётган реакцион кучларнинг кирдикорларига нисбатан ҳушёрлик кўрсатишлари лозим, деб таъкидлади Гана миллий қутқарув кенгашининг раиси Игнатиус Ачампонг. У Танзаниянинг бу ерда визит билан меҳмон бўлиб турган биринчи вице президенти Абуда Жумбе шарафига ўтказилган қабул маросимида нутқ сўзлаб, Гвинея-Бисау, Ангола ва Мозамбикка кечиктирмаган ҳолда мустақиллик берилиши ягона асос бўлади, деди. Мустақил Африка билан Португалия ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари шу асосда қурилади.

▲ ЖАЗОИР. Мостаганем шаҳрида Жазоир ҳаваскорлик театрининг фестивали очилди. Фестиваль халқ театр санъатининг кўриги бўлади. Фестивалда мамлакатдаги 39 та ҳаваскорлик театрлари труппасидан Жазоир, Оран ва Константин шаҳарларидаги 15 та энг яхши коллектив иштирок этди. Бу коллективлар Жазоир ва чет эл авторларининг пьесаларини намойиш қиладилар.

(ТАСС).

## БОҒ ПОЙТАХТ

**ВАРШАВА. Польша пойтахтида ёз фаслида бирон марта бўлган киши боғ шаҳри, соялқин парклар, гулзорлар, каштан ва жўка дарахтлари қад кўтарган ҳиёбонлар шаҳри бўлмиш Варшава тўғрисида унутилмас таассуротлар билан қайтади. Қадимий лазенкилар ёки хушманзара саксон боғи сингари парк архитектурасининг дурдоналари Польша доирасидан ташқарида ҳам маълумдир.**

**Варшаваликлар севимли пойтахтларини ободонлаштиришга ва кўкаламзорлаштиришга кўп вақтларини сарфлайдилар. Улар ўз ҳовлиларида ва шаҳар чеккаларида ўтказиладиган шанбаликлар ва якшанбаликларда актив қатнашибгина қолмай, ўз қўллари билан бутун-бутун ям-яшил дарахтзорлар ҳам яратмоқдалар. Жамоатчилик асосида ишчиларнинг Воля районида янги парк ва Жолибож районида Ольшина парки барпо этилаётганлиги бунинг энг яхши далили бўлиб хизмат қилади.**

**Варшава аҳолиси шаҳарни чинакам яшнаб турган боққа айлантиришни аллақачон ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Келгуси беш йилликнинг охирига бориб ҳар бир варшаваликка 15 квадрат метр кўкаламзор ва дарахтзор тўғри келади. Бу эса жаҳондаги пойтахтлар мақтана оладиган нормадир.**

(ТАСС).

## ФАШИСТЛАР ХУНТАСИГА ҲАРБИЙ ЁРДАМ БЕРИЛМАСИН

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Демократик партиянинг таниқли арбоби сенатор Э. Кеннеди чет элга ёрдам тўғрисидаги қонун лойиҳасига Чилидаги фашист хунтани бундан кейин АҚШнинг ҳарбий ёрдамидан маҳрум қилишни назарда тутган тузатиш киритди.

Сенатор конгрессда сўзга чиқиб, бундай деди: «Ўтган йил 11 сентябрда Альенде ҳукуматини ағдариб ташлангандан кейин Чилидан олинаётган хабарлар ҳарбий хунта инсон ҳуқуқини муттасил бузаётганлигидан далолат бермоқда». Ўз вакилларини бир неча марта Чилига юборган турли халқаро ташкилотлар, деди у, бу ерда гражданларни кўплаб қатл қилиш, қийнаш ва қамоққа олиш давом этаётганлигини кўрсатмоқда. Шу ташкилотларнинг маълумотларига қараганда, мактаблар ва олий ўқув юртлари ҳарбий назорат остига олинган, матбуот қаттиқ назорат қилинмоқда, минглаб кишилар ўз сиёсий эътиқодлари учун ишдан ҳайдаб юборилмоқда.

Мана шу рад этиб бўлмайдиган далилларга қарамай, Қўшма Штатлар ҳарбий режим билан, одатдаги «амалий» муносабатларни давом эттирмоқдалар, деди Э. Кеннеди.

Ҳукумат 1975 молия йили бюджетида Чилига қарз тариқасида қурол-яроғ етказиб бериш учун 20,5 миллион доллар ва Чили қуролли кучларининг офицерларини ўқитиш учун 800 минг доллар миқдорида маблағ ажратишни талаб қилди. Мўътабар халқаро ташкилотлар ва арбоблар Чилида инсон ҳуқуқи ҳамон жуда қўпол равишда бузилаётганлигини сўзсиз исбот этувчи далиллар келтирганликларини назарда тутиб, деди Э. Кеннеди, «Чилига ҳарбий ёрдам бериш тўғрисидаги таклифни мен асоссиз ва номақбул таклиф деб ҳисоблайман».

## ДАВЛАТ НАЗОРАТИГА ОЛИНДИ

БУЭНОС-АЙРЕС. (ТАСС). Аргентина президенти Мария Эстела Де Перон имзолаган декрета мувофиқ, чет эл капиталига, асосан Америка капиталига кўп жиҳатдан қарам бўлган бир неча телевизион станция давлат назоратига ўтди. Бу станцияларнинг директорлари ўрнига янги директорларни тайинлади.

Шу пайтгача мамлакатдаги 53 телевизион станциядан фақат олтитасигина давлат ихтиёрида эди.

Бу ерда ана шу чорани Аргентинадаги бутун телевиденнени давлат назоратига олиш йўлидаги биринчи қадам деб ҳисобламоқдалар. Ҳукумат миллий конгресс муҳокамасига тақдим этган қонун лойиҳасида шундай таклиф баён қилинган.

Мамлакатдаги партияларнинг кўпчилиги, касаба союз ва жамоат ташкилотлари телевизион станцияларни давлат назоратига олиш тўғрисидаги қарорни қўллаб-қувватладилар. Улар ўз баёнотларида телевидение халққа хизмат қилиши, мамлакатни чет эл капитали зулмидан қутқаришга ёрдам бериши, миллий маданиятни пропаганда қилиши лозим, деб таъкидламоқдалар.

## РЕКОРД ҚЎЙИШНИНГ ИЛОЖИ ЎЛМАДИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Америкалик 22 яшар профессионал мотоциклчи Боб Плисоннинг «янги жаҳон рекорди»ни ўрнатишга бўлган уринини фожиали тугади. Б. Плисо Феникс-Сити шаҳрида (Алабама штати) кўпдан-кўп томошабинлар кўз олдида ўз мотоциклида 30 та автомашина устидан сакраб, ўтмоқчи бўлди, аммо ҳавода тезлигини йўқотгач, 28 автомобилга келиб урилди. У, шу заҳотиёқ ўлди.

## ҲИНДИСТОНДА ТУРИЗМ

**ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистонни 1973 йилда келиб кўрган туристлар сони ундан аввалги йилга нисбатан 19,5 процент кўпайган. Расмий маълумотларга кўра, шу давр мобайнида ярим миллионга яқин чет эллик туристлар мамлакатга келиб кетган.**

**Ҳиндистон ҳукумати «туристик индустрияни» янада ривожлантиришни планлаштирмоқда. Туризм министрлигининг планида чет эллдан келган меҳмонларни ўзига қўпроқ жалб қиладиган районларда замонавий меҳмонхоналар қуриш автотуристлар учун мотеллар ташкил қилиш мўлжалланмоқда.**



**РЕЙКЬЯВИК — Исландиянинг пойтахти ва мамлакатнинг асосий порти. Шаҳар яқинида жуда кўп иссиқ булоқлар мавжуд. Оролнинг ғарбий соҳилида жойлашган бу шаҳарда мамлакат саноат корхоналарининг ярми ўрнашган. Бу корхоналар асосан балиқ хўжаликлари билан боғланган. Суратда: Рейкьявикнинг умумий кўриниши.**

**НТБ-ТАСС фотоси.**

МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИШ — ШАРАФЛИ БУРЧ

## ХОТИРЖАМЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН

«Олмалиқ» совхозида ўтган йили сут етиштириш давлат плани бажарилмади. Совхоз раҳбарлари, мутахассислари бултурги камчиликлардан тўғри хулоса чиқармадилар. Бу йил ҳам совхоз сут етиштириш бўйича районда энг охирги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Ўтган олти ойда 379 тонна сут ўрнига 276 тонна сут согиб олинди. Ишнинг бу аҳволда бориши 1974 йилда ҳам социалистик мажбуриятнинг бажарилмаслигидан далолат бераяпти. Совхоз раҳбарлари бўлса «Бу йил сут етиштириш ўтган йилдагидан кўпайди» деб кўкракка уриб юришибди.

Тўғри, бу йил сут согиб олиш ўтган йилдагидан бироз кўпайди. Сигирларнинг маҳсулдорлиги ортди. Аммо, сут етиштиришни социалистик мажбуриятга яраша ташкил қилиш, ички резервлардан тўлиқ фойдаланиш ўрнига қўл қовуштириб ўтиришнинг қандай маъноси бор?! Сут етиштириш ойдан-ойга ортиб бормаслигининг асл моҳияти, қолоқликнинг сабаби нимада?

Сут согувчилар билан суҳбатлашамиз. Комсомол аъзоси Шарофат Исоқулова ўтган олти ой мобайнида ҳар бир сигирдан 1039 килограммдан сут согиб олган. Ҳозирги кунда эса 27 сигирни согаяпти. Ҳар биридан кунига 7,5—8 килограммдан сут олаяпти. Лекин Ш. Исоқулова билан бир хил шароитда ишлаётган бошқа сут согувчиларнинг кунлик кўрсаткичлари паст.

Совхозда сут согиб олиш бўйича мажбуриятнинг бажарилмаётганлигига асосий сабаб сигирларни парвариш қилишда зоотехника қоидаларига риоя қилинмаётганлигидир. «Сигирнинг сути тилида» дейди халқимиз. Лекин фермада сигирларга кўк ўт, сабзавот чиқиндилари каби сигир сутини оширадиган озуқалар берилмаётир.

— Сигирларимиз ҳозир тоғда, яйловда, — дейди совхоз партия ташкилотининг секретари Р. Анорбоев. — Ҳозир тоғда ўт кам. Фермага олиб тушиш учун эса жой йўқ. Ем-хашакни ҳозир едириб қўйсак, қишда нима қиламиз?!

Совхоз партия ташкилоти секретарининг бу сўзидан хўжалик раҳбарлари сут согиб олишни кўпайтириш учун кам қайғураётганлари кўриниб турибди. Социалистик мусобақа — ютуқлар гарови. Қаердаки мусобақа тўғри ташкил этилган бўлса, ўша ерда маҳсулот етиштириш кўпаяди. Бу хўжаликда мусобақага ҳар кварталда якун ясалади. Ваҳоланки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, республика касаба союзлари Совети ва ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг чорвадорлар социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарорида ферма ходимлари ўртасидаги ўзаро мусобақани ҳар ўн кунда якунлаш зарурлиги уқтирилган.

Фермада сигир согувчилар мусобақадошларининг иши билан қизиқишмайди. Бир-бирларининг кўрсаткичларини билишмайди. Мусобақанинг боришини акс эттирувчи деворий газета, жанговар варақалар йўқ. Чорвадорлар ўртасида оммавийсиёсий ишлар жуда суст олиб борилади. Сигир согувчилар агитаторнинг охирги марта қачон келганини эслаша олмайдилар.

Бу йил — юбилей йили. Ҳар бир коллектив ва унинг ҳар бир аъзоси социалистик мажбуриятини бажариши шарт. Бунинг учун «Олмалиқ» совхозининг чорвадорлари ҳар бир дақиқадан фойдаланиб меҳнат қилишлари, сут етиштиришни кўпайтиришлари, хотиржамликка чек қўйишлари керак.

**А. АБДУЛҲАҚОВ.**
**Оҳангарон райони.**

## ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРНИНГ ЯНГИ МАВСУМИ

Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбекистон давлат академик драма театрининг коллективи сафардан қайтиб келди. Улар йигирма тўрт кун давомида чўлқуварларга ажойиб саҳна асарларини қўйиб бериб, пахтакорлар таҳсинига сазовор бўлишди. Театр коллективи Гулистон районининг колхоз ва совхозларида жонбозлик кўрсатаётган дала меҳнаткашларига ўз санъатларини намойиш қилдилар. Санъаткорлар шу давр ичида Ўлмас Умарбековнинг «Комиссия», Уйғунининг «Парвона», Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор» спектаклини бир неча бор қўйиб беришди.

Бугун театр коллективи ўз мавсумини бошлайди. Биринчи спектакль атоқли ўзбек шоири, драматург Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи» спектакли билан бошланади. Спектакл қўйилганидан то шу кунга қадар бир неча юз маротаба томошабинларга намойиш этилди. Лекин театр мухлислари томонидан ҳамиша қизғин кутиб олинмоқда. Бу спектакль шу кунгача таниқли драматургимиз Комил Яшин томонидан тўрт марта қайта ишланди, мукаммаллаштирилди. Шунингдек, юбилей йилида театр репертуаридан «Абу Райҳон Беруний», «Парвона», «Шох Эдип», «Олтин девор» спектакллари билан биргаликда янги-янги спектакллар ўрин олди.



**▲ ҮРТА ЧИРЧИҚ районидаги «Северний маяк» колхозида маккажўхорини силос учун ўриш жадал давом этаяпти. Хўжаликда бу йил 68 гектар ерда маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирилди. Колхоз механизаторлари ва силос бостиришда ишлаётган бошқа маккажўхорикорлар ҳар гектар ердан 310 центнер ўрнига 550 центнердан силос тайёрламоқдалар. Суратда: маккажўхорини силос учун ўриш пайти.**

**Г. Пун фотоси.**
**(ЎзТАГ).**

## ЁШ ТОКАРЛАР БАҲСИ

**Навоий шаҳридаги химия комбинатининг ремонт-механика заводида ёш токарларнинг касб маҳорати бўйича республика конкурси ўтказилди. Кон курсда Тошкент шаҳар ва республиканинг барча областлари дан жами 25 ёш ишчи ўзаро баҳслашди.**

**Тошкентдаги ирригация бўйича махсус давлат конструкторлик бюросининг ишчиси Владимир Богомолов ёш бўлсада, ўз касбининг моҳир устаси эканлигини исботлади ва конкурснинг энг юксак мукофотини қўлга киритди. Чирчиқдаги «Ўзбекхиммаш» заводининг токари Николай Паюсов эса конкурсда иккинчи ўринни олди.**

**О. ЛЕВАК.**

# ДИҚҚАТ: ПОЕЗДДАН САҚЛАНИНГ

Чирчиқдаги 10-автобаза шофёри М. Асанов шу йил Ялангоч станциясида темир йўлдан ўтиш қоидасини қўпол равишда бузди. Оқибатда у бошқараётган машина юк ташувчи тепловоз билан тўқнашиб кетди ва ҳар иккала транспорт воситаси ишдан чиқиб, давлатга катта зарар етказилди.

Шофёр Суар Исмандиёров 3-«Оҳангарон» совхозига қарашли 68-50ТША номерли «ГАЗ-63» маркали машинани ҳайдаб бораётиб, тепловоз машинистининг сигналига ҳам стрелкачи М. Тоғайназаровнинг ишорасига ҳам парво қилмай, юқори тезликда темир йўлни кесиб ўтмоқчи бўлди, бироқ улгурмади. Бу ножўя ҳаракатнинг оқибати хунук бўлди. Давлат машинаси бутунлай мажақланди.

Бундай мисолларни яна келтиришимиз мумкин.

Ўрта Осиё темир йўллари Тошкент бўлими ишчи-хизматчилари хавфли тўқнашувларнинг олдини олиш йўлида ҳар йили тинимсиз иш олиб борадилар. Бироқ, бу уринишлар кам самара бермоқда. Авариялар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бунинг энг асосий сабаби шундаки пойтахт область районлари ижроия комитетлари темирйўлчилар томонидан белгиланаётган зарур тадбирларни амалга оширишга жиддий эътибор бермаётирлар.

Тажрибали мутахассислардан тузилган махсус комиссия область территориясидаги мавжуд ўтиш жойларидаги аҳволни атрофлича текшириб чиқиб, улардан 11 тасини ёпиб қўйишни таклиф этган эди. Чунки, бу ердан кўплаб пассажир ташувчи автобуслар ва ёнилғи ташувчи машиналар тўхтовсиз ўтиб туради. Айниқса, Калинин район территориясидаги Далагўзар станцияси ва «Назарбек» совхозидаги ўтиш жойлари хавфсизлик қоидаларига мутлақо жавоб бермайди. Комиссия томонидан тўла исботлаб берилганлигига қарамай деярли барча район ижроия комитетлари бунга розилик бермадилар. Натижада кўрсатилган 11 та ўтиш жойидан фақатгина биттаси ёпиб қўйилди, холос.

Ўрта Осиё темир йўллари Тошкент бўлими шу йил 26 майдан бошлаб, янги график асосида ишлашга ўтди. Натижада юк ташувчи поездларнинг сони кўпайди, уларнинг ҳаракат тезлиги ҳам ошди. Масалан, Қодирия-Оққовоқ йўлида қатновчи поездларнинг тезлиги соатига 80 километргача кўтарилди. Шу йўл 14-километрга етганда автомобиль йўли билан кесишади. Бу ўтиш жойида кузатув пунктининг йўқлигидан ташқари узоқдан келаётган поезд машинисти ҳам, автомашина шофёри ҳам бир-бирларини кўрмайдилар. Шунинг учун бу ерда оқибати фожиали тугаётган хавфли тўқнашувлар содир бўлмоқда.

Биз бу ўтиш жойини ёпиб қўйиб, уни 16-километрдаги назорат қилиб туриладиган ўтиш жойига кўчиришни бир неча бор таклиф қилдик. Бунинг учун бор-йўғи 500 метр узунликдаги эски йўл бироз тартибга келтирилса бас эди. Аммо бу муҳим масала ҳамон ҳал этилгани йўқ.

Янги график асосида ишлашга ўтилгандан сўнг айрим юк ташиладиган йўлларда поездлар қатнови кўпайиб кетди. Масалан, темирйўлининг «Ташхлодокомбинат» яқинидаги Воровский номли кўча билан кесишган ерида ҳар соатда 5—6 та поезд ўтиб туради. Бошқача қилиб айтганда автотранспорт учун бу йўл иш вақтининг ярми давомида берк бўлади. Шунинг учун бу ерда доим автомашиналар соатлаб саф тортиб бекор туриб қоладилар. Ҳолбуки, шу кўчанинг ёнгинасидаги Карл Маркс номли кўча темирйўлнинг устидан ўтказилган. Агар Воровский номли кўчадаги ўтиш жойи ёпиб қўйилиб, транспорт ҳаракати Карл Маркс номли кўчага кўчирилса, бир қанча хавфли аварияларнинг олди олинган ва автомашиналарнинг фойдали иш коэффициентлари янада юқори бўларди.

Бир сўз билан айтганда пойтахт областидаги мавжуд темир йўллардан ўтиш жойларидаги бугунги аҳвол ачинарли даражададир. Барча район ижроия комитетлари фалокатли тўқнашувларнинг олдини олишда темирйўлчиларга ёрдам қўлларини чўзмоқлари лозим.

**Г. ЗАХРИТДИНОВ,**
**Ўрта Осиё темирйўллари Тошкент бўлими бошлиғи.**

**Ю. СИНЯГИН,**
**Тошкент йўл бўлими бошлиғининг ўринбосари.**

# ЮБИЛЕЙ СОВҒАСИ

**Пойтахтимизнинг «Юнусобод» массиви ой сайин обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Қисқа вақт ичида бу ерда кенг проспектлар, замонавий турар-жой бинолари, болалар боғча ва яслилари қурилиб фойдаланишга топширилди.**

**Массив аҳолисини озиқ-овқат ҳамда турли хил сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда Киров «Райпишчеторг»ига қарашли 44-магазин ходимларининг хизмати катта бўляпти.**

**— Коллективимиз асосан комсомол ёшлардан ташкил топган, — дейди магазин мудири Тўлқин Валиев, — коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли ном учун курашаётган Ғани Халилов, Саноат Ахророва, Майсара Фатхуддинова, Салтанат Йўлдошева каби сотувчиларнинг жонбозлик кўрсатиб ишлаши натижасида ойлик, квартал планлари доимо 160—170 процентга етказиб адо этилмоқда.**

**Ҳозир ўлкамизда айни пиширқилик. Магазин ходимлари аҳолини азамат деҳқонларимизнинг пешона тери билан етиштирган ноз-неъматлар билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Уларнинг ташаббуси билан иккита сабзавот дўкони очилди. Харидорлар бу ердан сабзавот ва меваларнинг истаган турларидан харид қилишлари мумкин. Биргина июль ойининг ўзида аҳолига 40 тонна сабзавот маҳсулоти етказиб берилди. Бу пландагидан анча кўпдир.**

**Юбилей йилида массив аҳолисига яна бир қулайлик яратилди. Яқин кунлар ичида мазкур магазин ходимлари замонавий усулда қурилган янги бинода иш бошлайдилар. Бу объектни «Главташкентстрой»га қарашли СУ—37 қурилиш бошқармасининг қўли гул бинокорлари бунёд этишмоқда. Айниқса Хожнакбар Султонов бошчилик қилаётган сайқалчилар бригадаси аъзолари кўпчиликка ибрат бўлишяпти.**

**Янги савдо муассасасида гастроном, модалар ателъеси, кафе, сартарошхона жойлашган. Бу аҳолига юбилей йилининг муносиб совғасидир.**

**С. УМАРҚОРИЕВ.**

## АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

Фиджи оролидаги қўлларда Ава деб аталадиган балиқ кўп учрайди. Бу балиқларни тутиш усули жуда ғалати.

Балиқ ови фаслида бутун қишлоқ аҳли қўлга қараб йўл олади. Кишилар қўлнинг саёз жойларига тушиб, уни кечиб сувни лойқата бошлайдилар. Бунда сув тагидаги балчиқдан газ ажралиб чиқади. Газдан карахт бўлган балиқлар сув юзасига сузиб чиқади. Балиқларни шунда найза билан санчиб олиш ёки қўл билан тутиш мумкин.

Инглиз табиатшуноси Д. Аттенборонинг фикрича, балиқларни бу ҳилда тутиш ихтиология талабларига тўлиқ жавоб беради. Чунки балиқлар маълум мавсумда овланади. Лойқаланган сувда ёш балиқчалар учун кўплаб озуқа тўпланади.

* * *

Илгари Марказий Ҳиндистонда барасингха деб аталадиган ботқоқлик буғулари кўп учрар эди. 1938 йилга келиб, уларнинг сони жуда камайиб кетди. Кейинчалик ҳам ўрмондаги ёнғинлар, яйловларнинг камайиши сабабли уларнинг сони йил сайин камая борди, 1969 йилга келиб, батқоқлик буғулари сони бор-йўғи 70 бош қолганлиги маълум бўлди. Ҳиндистон Миллий паркининг ходимлари бу ҳайвонларнинг хулқ-атворини ўрганиб, буғуларнинг кўпайиши учун қулай шароит яратишга киришдилар. Махсус яйловлар ажратилди. Бу ҳаракатлар ҳозир яхши натижа бермоқда. Буғулар сони гарчи аста-секин кўпаяётган бўлса-да, 1972 йилда уларнинг сони 100 бошдан ошганлиги аниқланди.

* * *

Тодди Бирмада ўсадиган хилма-хил хурмонинг бир туридир. Бу хурмо ҳақида жуда кўп афсоналар тўқилган, шеърлар ёзилган. Бирма халқи тилида унинг ҳақида кўплаб мақоллар учрайди.

Бу хурмо нима учун катта эътибор топган? У деҳқонга озиқ-овқат, кийим-бош ва турар-жой ўрнини босади. Хурмо илдизини майдалаб, ун қилиб нон ёпилади. Шунингдек, илдизни қовуриб, қайнатиб ва буғлаб турли хил таом тайёрланади, аҳолига сут, ёғ, мева ва шарбат беради. Ҳатто, хурмо маҳсулотидан спиртли ичимликлар ва тамаки ҳам тайёрлаш мумкин.

Хурмо новдалари пўстлоғидан тола олиниб, газлама тўқилади. Уни халқ иш ва байрам кунлари кийиб юради.

Тодди хурмоси ёғочи жуда ажойиб қурилиш материалидир. Ундан қадим замонда қурилган ибодатхоналар ҳозир ҳам яхши сақланиб келмоқда. Бирма қишлоқларида шу ёғочдан қурилган жуда кўплаб уйларни кўриш мумкин.

* * *

Заир республикасида фил суяги билан савдо қилувчи давлат бюроси ташкил қилинди. Шунингдек, бу бюро филларни кўпайтириш ва боқиш билан ҳам шуғулланади. Мамлакат ҳукумати ўймакор ҳунармандларга фил суяги етказиб бериб, кадимги халқ санъатини ривожлантиришни мўлжалламоқда.

**«Азия и Африка сегодня» журналидан.**



# ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ



⊙ ФРУНЗЕ. Бутуниттифоқ мелиорация системаларини комплекс автоматлаштириш илмий-тадқиқот институтининг олимлари ер ости сувларининг чуқурлигини кузатиш, қудуқлар ишини бошқариш ҳамда далаларга берилаётган сувларни тозалаш имкониятини берадиган автомат, радио ва телемеханика системаларини яратиш устида самаралн иш олиб бормоқдалар.

Сув тақсимлашни бошқариш ва уни назорат қилиш комплекс радиотелемеханика системалари ҳозирги кунда Қирғизистон, Қозоғистон ва Узбекистонда қўлланилмоқда. Ана шу системадан фойдаланиш натижасида ҳар йили бир миллион сўмдан ортиқ фойда олинмоқда. Юқоридаги суратларда: [чапда] институтнинг кичик илмий ходимлари Л. Ф. Иванов [чапдан] ва Ю. И. Агафоновлар Туш каналида гидроавтомат қурилмаси механизмни созламоқдалар. [Ўнгда] Аламедин дарёсидаги сув тақсимлаш камера ҳавзаси.

А. Клейменов фотоси.

⊙ УЛЬЯНОВСК ОБЛАСТИ. Волга ерларида беш йилликнинг белгиловчи йили ҳосил ўрим-йиғими юқори суръатлар билан давом этмоқда. Далаларда 6 мингдан зиёд комбайн ишламоқда. Уларнинг мингтаси «Колос» ва «Нива» синфари янги машиналардир. Область хўжаликлари бу йил ўриб олинадиган ҳосил эвазига беш йиллик планни бажариш учун ҳаракат қилмоқдалар. Ватан хазинасига бу мавсумда 1800 минг тонна дон тўкилади. Суратда: [пастда] Новоспасский районидаги «Завети Ильича» колхози ғаллазорларида ўрим-йиғим пайти.

Ю. Белозеров фотоси. ТАСС фотохроникаси.

## ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Шу кунларда Бўка район матлубот жамияти пахтакорларга хизмат кўрсатиш учун 8 та кўчма автолавка ташкил қилган. Автолавкалар пахтакорларга зарур бўлган ҳамма нарсаларни етказиб беряпти. 50 га яқин ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи магазин ҳам ишлаб турипти. Дала шийпонларида 30 дан ортиқ сотувчисиз дўкон ташкил этиляпти.

Кўчма кутубхоналар ҳам пахтакорларга намунали хизмат қилмоқда. «Кўкорол» совхози кутубхоначилари пахтакорларга янги чоп этилган бадиий асарларни тақдим этмоқдалар. «Бўка» совхози кутубхоначилари ходимлари ҳам ўз хўжаликларидаги дала шийпонларида хизмат қилмоқдалар. Район бўйича 30 дан ортиқ кўчма кутубхона ташкил этилган.

## КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

Яқинда 2-«Тошкент» совхозида 140 ўринли янги типдаги болалар боғча-яслиси ишга туширилди. Бундай боғчалар Пискент райони ва Оҳангарон райони марказларида ҳам фойдаланишга топширилди.

Шу кунларда пахта уруғчилиги ва селекция институти ходимларининг фарзандлари учун ҳам янги типдаги болалар боғчаси қурилиши олиб борилаётир. Буни 23-қурилиш трести қурувчилари бунёд этмоқда. Келесда ҳам кичкинтойлар учун болалар боғчалари қурилиши бошлаб юборилди. Юбилей йилида областимизда 2200 ўриндан ортиқ болалар боғчалари фойдаланишга топширилади. Оҳангаробдаги бўрдоқнчилик совхозларида, Олмалиқ шаҳрида ҳам янги типдаги болалар муассасаларини ишга туширш мўлжалланмоқда.

Узбекистон ССР ва Узкомпартия 50 йиллиги шодиёнаси айёмида улкан шоир қолдирган катта адабий меросдан яна дурлар теришш ҳар бир шеърият мухлисининг эзгу орзусидир.

Отахон шоиримиз Миртемир айтганидай: «Ҳамид Олимжон туғма ва нодир талант эди. Унинг қонида, ўзлигида, кўз қорачиғида, тўқсон икки томирида туғма бир зукколик, шоирона бир сажия, билгичлик, бурролик, нурбахшлик, ёрқин қалб, одоб аён, пешанасида ва йирик кўзларида улуғлик очиқ-ойдин эди. Унинг билмагани оз эди, ўқимагани кам эди, Ҳаммадан, ҳар нарсадан хабардор— қисқароқ айтганда, чин маъноси билан ўқимишли, қаламкаш эди. Шу жиҳатдан у катта-кичик олидда, жумҳурият раҳбарлари олдида, олим ва фозиллар олдида, ўқувчилар олдида ардоқли эди».

Ҳа, бу гапларда заррача ҳам муболаға йўқ. Уни буюк инсон даражасига кўтарган, уни халққа яқин қилган, унга обрў-эътибор бағишлаган, унга катта ҳурмат, муҳаббат, эҳтиром олиб берган, уни баланд парвозга шайлаган — ноёб таланти, шеърияти, мафтункор, фусункор лирикаси бўлди.

Ҳамид Олимжон лирикаси халқчиллиги, реаллиги ва жўшқинлиги билан мавжланади. Лирик қаҳрамон (шоир)нинг қалби меҳнат аҳли билан, ишчи, колхозчи, тўқувчи уста, ҳуллас, минг-минглаб оддий китобхон қалби билан нафасдош, ҳамкор бўлгани учун она диёри қўйнида эркин меҳнат, ижод имтиёзидан фойдаланаётганлиги учун ўзини ғоят бахтиёр ҳис қилади:

**Қувонч шулким, толе ёр бўлиб,**
**Бахтимни топган элни кўролдим,**
**Асрларнинг қайғусин қарғаб,**
**Шодлик ва бахт куйини чалдим.**

Ҳамид Олимжон ижодида Ватан темаси, она-Ватанга оташин муҳаббат, садоқат ғояси йиллар оша тобланиб, юксак чўққига — камолот босқичига кўтарилди. 1932 йилда ёзилган «Бахтлар водийси» шеърида жонажон диёримизнинг олтин гўшаси — Фарғона водийси, унинг меҳнатсевар кишилари ҳақида завқ-шавққа тўлиб куйланса, 1939 йили ёзилган «Узбекистон» шеърида серқуёш, «оқ олтинга кон ҳур республикамиз мислсиз меҳр-муҳаббат билан тасвир этилди. Шеър ҳур ўлка, унинг олтин унар тупроғи, мириқишкор кишиларига чексиз ҳурмат, муҳаббат ва садоқат ҳиссаси билан йўғрилган.

Шоирнинг она-Ватанга зўр ифтихор туйғулари билан боқиши, социализмнинг Шарқдаги чинакам машъалига айланган ҳур диёр — Узбекистоннинг — «достонларда битган гулистон»ни юракдан қадрлаши бежиз эмас эди. Шоирнинг ўзи бунга изоҳ бериб, шу ўлкада туғилиб ўсиб, камолотга етгани билан, ота-боболаримиз ана шу диёрда ўтганлари билан ҳақли равишда фахрланади:

**Бу дала,**
**Бу кўҳлик**
**Кўп ошна бизга.**
**Киндик қони шунда тўкилган,**
**Бизнинг суягимиз қотган шу ерда...**
**Жуда кўп насллар**
**Шу ерда битган**
**[«Маҳорат» 1933].**

Улуғ Ватан уруши қизғин бораётган бир чоғда Ҳамид Олимжон ижодида яна социалистик Ватан темаси алоҳида мавжланади. Энди буюк Совет Иттифоқи — бутун Россия, жонажон диёр тараннуми, шоирнинг дўстлик, қонди. У ана шу борада ўзига хос бир мактаб яратди, деярли барча асарларида «асрларнинг қайғусин қарғаб, шодлик ва бахт куйини» чалганлиги баралла янгради. Чиндан ҳам, шоир айтганидек:

**Бахт топилмас ҳеч бир замонда,**
**Эл қул бўлса, бўлса ялангоч,**
**Жаннатларни яратган одам,**
**Натижада ўзи қолса оч.**

Ушбу тўрт мисра шеърда катта маъно ва мазмун бор: шоир, «жаннат» мисолида инсон меҳнати натижасида гуллаган тупроқни, энг азиз Ватанни кўзда тутади.

Шоир ўтмиш билан ҳозирги, яъни бахтиёр, гулгун замонимизни, ўтмиш қалам соҳиблари билан бугунги ижодкорларни жуда ўринли ва таъсирли таққослаб, муҳим хулосалар чиқаради.

**Шоирларни кўп ўқиб чиқдим,**
**Билмаганим қолди жуда кам.**
**Ўқиб чиқдим, чувалди фикрим,**
**Кўра бериб ҳаммасида ғам.**

Мана шу сатрлардан кейинги мисралардан факт-далиллар ғоятда ҳаяжонли ва ўта таъсирчандир. Шеър якунидаги фикр эса анчайин умумий хулоса эмас, балки мукаммал, теран якундир.

**Шодлик йўлга бошлади, мени,**
**Бахтиёрлик бўлди одатим.**
**Шоир бўлиб шодлик ва бахтни**
**Куйламоқлик зўр саодатим.**
**Чунки, элим қайғуни билмас,**
**Чунки, йўқдир Ватанда мотам,**
**Озод халқим бошига келмас**
**Энди сира мусибат ва ғам.**

Чин маънодаги Ватан ўғлони бўлган шоир Ҳамид Олимжон ана шу Ватан ва унинг халқи тинчлигида ўз тинчини, бахтиёрлигида ўз бахтини кўрди. Ана шулар унга илҳом манбаи бўлиб, ижодга ва кенг парвозга қанот бағишлади. Ижодкор, меҳнатсеварлар, қўли гул азамат халқи билан ҳамиша фахрланган, унга суянган, ундан куч-мадад олган шоир «одамга бахт ва толе ёр» бўлган ўлканинг яна ҳам гуллаб-яшнашини, одамларининг эса, омон, сиҳат-саломат бўлиб яна ҳам бахтиёр, шод, фаровон ҳаёт кечиришларига тилакдошлик билдиради:

**Шундай ўлка доим бор бўлсин,**
**Шундай ўлка элга ёр бўлсин.**
**Омон бўлсин оғайнилари,**
**Омон бўлсин дўстларнинг бари...**

Ана шундай. Ҳамид Олимжон — чин маънодаги интернационалист шоир, гуманист ва айни чоқда инсон шаҳси, обрў-эътиборини қалбдан ҳурматлаган, эъзозлаган, унга ва унинг қобилиятига, истеъдодига, салоҳиятига қатъий ишонган зўр оптимист эди.

У ўзининг бир шеърида комил ишонч билан мана бундай тараннум этган эди:

**Қудрати зўр эл учун осмон,**
**Худди ердай осойиш бўлур.**
**Бир неча йил мобайнида кўк**
**Одам билан албатта тўлур.**

Бу анчайин мисралар эмас. Бу ўринда шоирнинг совет ижтимоий системаси, жонажон ўлкада илм-фан равнақига берилаётган катта эътибор, совет кишиларининг ғайрат чидам ва матонатларига қатъий ишонч ғоялари жамулжамдир.

Шоир ҳар бир онимизнинг мазмуни, мароқли, фойдали ўтишини таъкидлар экан, бу билан ўлкамизнинг гулларга бурканишини, чўллар обод бўлиб, қумлоқларда экинзор, пахтазорлар барпо этилишини таъкидлайди. Бугина эмас. Шу билан бирга ўлкада шодиёна куй-қўшиқ янграшини, бахт-саодат «илдиз отиши»ни кўз олдига келтириб, қалби қувончларга тўлади:

**Далалар, саҳролар, чўллар бахтиёр,**
**Куй айтиб яшайди манзиллар, эллар.**
**Тинмасдан куй айтар суюкли диёр —**
**Қўшиқдан осмонлар, тоғлар гумбурлар.**

Ҳамид Олимжон инсон шаънини оширувчи, унга ҳузур-ҳаловат, қувонч бахш этувчи ҳамма нарсани улуғласа, аксинча, инсон шаънига доғ тушируувчи, уни тубанлаштирувчи ҳар қандай нуқсонни ҳам шунчалик қоралади. Иккиюзламачилик, мунофиқлик, ҳасадгўйлик, умидсизлик каби салбий сифатларни улоқтириб ташлаб, мусаффо қалб билан тоза, самимий беғубор юрак билан яшаш, меҳнат қилиш ҳар бир чинакам инсон учун шараф эканлигини таъкидлади:

**Билсинларким, йўлдошим бўлмас,**
**Кўзда ёши билан кулганлар,**
**Тиллари бол, ўзлари ҳаёт**
**Лекин, юрак-бағри ўлганлар.**

Унинг қўшиқлари тинмай янграётган экан, унинг ижоди бетиним ўрганилиб, татқиқ этилаётган экан, унинг номи яхшилик, эзгулик, бахтиёрлик, олижаноблик тимсоли экан, унинг дилга ором берувчи ёқимли овози инсонларга қувонч, шодлик бағишлаётган экан, демак, улкан шоир ҳамиша барҳаётдир. У барча тўю тантаналарда бизлар билан ҳамнишиндир.

Шонли ярим аср тўйи — серқуёш республикамиз ва Узкомпартиянинг 50 йиллиги яқинлашаётган ушбу шодиёна айём ва субҳидамларда севимли Ҳамид Олимжон ҳам ўз сози, ўз овози, ўз қувончи, дил сўзлари билан жўр бизларга! У ҳақ гапни айтган:

**Мен элимнинг юрагида яшайман,**
**Эрк деганни тилагида яшайман.**

**У. САЛОҲИДДИНОВ.**
**педагогика фанлари кандидати.**

СУРАТДА: Биродарлик мозорида шоирга ўрнатилган ёдгорликни зиёрат қилиш пайти.

УЗБЕКИСТОН ССР ВА УЗКОМПАРТИЯ 50 ИЙЛЛИГИ ОЛДИДАН

# ВАТАН ВА БАХТ КУЙЧИСИ

(ҲАМИД ОЛИМЖОН ХОТИРАСИ)



## А С А Л

Асал еган касал бўлмас деган нақл бнлиб айтилган. Асалда 70 хилдан ортиқ фойдали модда бор. Қадимдан унинг шифобахшлиги маълум. Асалда турли хил витаминлар, қальций, натрий, магний каби тузлар, ҳатто радий моддаси ҳам бор.

Болгарнялик олимлар миокардин, миокардосклероз ва юрак астмаси касалига дучор бўлган 500 беморни асал билан даволашга қарор қилган эдилар. Кузатишлар давомида шу нарса маълум бўлдики, муттасил асал истеъмол қилиб борган беморларнинг юрак фаолияти, қон ҳаракати ва қон босими яхшиланиб борди.

Шундан кейин олимлар уй шароитида қон босими касаллигини даволаш юзасидан маълум тавсиялар ишлаб чиқдилар. Бир стакан сабзи шарбати, бир стакан хрен суви, бир стакан асал ва бир стакан лимон шарбатини бир-бирига обдон аралаштириб, усти ёпиқ идишда салқин жойга қўйиш лозим. Қон босими ошган бемор мана шу «дори»дан ҳар куни овқат олдидан ёки овқатдан сўнг чой қошиғида кунига уч марта истеъмол қилиб борса, икки-уч ой давомида қон босими йўқолиб кетади.

Асални яхши сақласангиз, ўнлаб йил бузилмай туравераді. Қадимги пайтда греклар ва италияликлар асалга гўштни бостириб қўйганлар. Натижада гўшт ўз мазасини йўқотмай узоқ вақт турган. Асал составида смола, эфир мойи, балзам каби моддалар бўлганлиги учун кейинчалик ундан ярадорларни даволашда фойдаланишган. Совет хирурги С. А. Смирнов урушда яраланган ярадорларнинг ярасини асал билан муваффақиятли даволаган. Айни пайтда асал ошқозон ярасини, шамоллашни даволашда ҳам кенг қўлланилган.

Асал уйқусизликни даволашда ҳам қўл келади. Профессор Е. Цанков таъкидлаганидек, бир стакан сувга бир қошиқ асални аралаштириб ухлаш олдидан ичилса, одам тинч ухлайди ва ундаги ланжлик йўқолади.

Ҳозирги пайтда асални кўпайтириш юзасидан қатор тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Тошкент областининг Бўстонлиқ ва Паркент зоналарида махсус асаларичилик совхозлари ташкил қилинган. Бу хўжаликларда етиштирилаётган тонна-тонна асаллар меҳнаткашлар дастурхонига етказиб берилмоқда.

## Ч О Й

Кун исиган сари одам чойни кўп ичади. Чой чанқоқни қондиради, организмга салқинлик бахш этади. Чойни ичишга ичамиз-у, аммо унинг қачон пайдо бўлганлигини кўп ҳолларда эсламаймиз. Чой Россияда 1638 йилда пайдо бўлган эди. Ўша йили элчи Василий Старков Ғарбий Мўғулистондан рус шоҳига 64 килограмм чой совға қилган эди. Шундан кейин Россияда чойхўрлар кўпайиб кетди.

1833 йилда Қримнинг Никитский ботаника боғида чой ўсимлигини экишга киришилди. Аммо бу ер чойни хоҳламади. Орадан кўп йиллар ўтгач, Грузиянинг Сухумий ботаника боғида чой плантацияси пайдо бўлди. Ундан кейин Озарбайжон ва Краснодар ўртасида ҳам чой экилабошланди.

Олимларнинг кузатишларидан шу нарса маълумки, памил чойга нисбатан кўк чой киши организми учун фойдали экан. Кўк чойда памил чойга нисбатан С витамини ўн марта кўп экан. Шу бойдан ҳам уни Узбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистонда кўпроқ истеъмол қилишади.

Чойдан даволаш мақсадларида ҳам кенг фойдаланилади. Айниса кишн ичбуруғ бўлганда аччиқ чой қўл келади. У ҳар қандай доридан ҳам шу дамда кўпроқ фойда келтиради.

Кўпгина адабиётларда таъкидлангандек чойдаги кофеин бош оғриғини қолдиради, кишини бардам қилади. Уйқуни қочириб организмнинг меҳнат қобилиятини кучайтиради. Ижодий иш билан машғул бўлган кишиларга чой кўпроқ тавсия қилинади.

**В. УРМОНОВ,**

# ВАТАН ВА БАХТ КУЙЧИСИ

(ҲАМИД ОЛИМЖОН ХОТИРАСИ)

## Спорт

### СОВЕТ ШАХМАТЧИСИГА ОЛҚИШ

Филиппин оролларининг Мавил шаҳрида шахмат бўйича ёшлар ўртасида жаҳон биринчилиги мусобақаларн давом этмоқда. Ёш совет шахматчиси ленинградлик Кочиев бу ерда ажойиб маҳорат намуналарини кўрсатмоқда. У учинчи турдан қолган учрашувда Швед Шнайдерни, тўртинчи турда эса колумбиялик Хенаони мағлубиятга учратди. Турнир бошидан бери чиройли ўйнаётган колумбиялик ёш ва қобилиятли спортчининг бу биринчи ютқизиғи эди. Кураш жуда кескин тус олди. 26-юришгача томонларнинг кучи деярли тенг бўлиб, навбатдаги юришдан бошлаб Кочиев ўйинни ўз фойдасига ҳал қила бошлади. Рақиб қанчалик тиришиб ҳимоя қилмасин, ленинградлик шахматчи жуда чиройли ўйин кўрсатиб ғалаба қозонди.

Тўрт турдан сўнг совет шахматчиси уч очкога эга.

### МЕРГАНЛАРИМИЗ МЕДАЛЛАРИ

Ватанимиз пойтахти Москвада ўтказилган мерганлик спорти мусобақаларида республикамиз спортчилари бир қатор медалларнинг эгаси бўлдилар. «Динамо» жамиятининг аъзоси Сергей Рибченко биракайига 8 медали олишга муяссар бўлди. Шу жумладан иккитаси олтин, учтаси кумуш ва яна учтаси бронза медалларидир. Ҳарбий кучлар терма командасининг аъзоси тошкентлик Владимир Горунов биттадан кумуш ва бронза, ДОСААФ аъзоси Пётр Кобручев эса икки бронза медалнинг соҳиби бўлдилар.

### ТОШКЕНТЛИК СПОРТЧИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Тошкентлик Татьяна Одинокова Таллин шаҳрида ўтказилган кўпкураш бўйича халқаро турнирда 14257 очко тўплаб, ўнинчи ўринни эгаллади ва совет спортчиларининг умумкоманда ҳисобида эришган ғалабасига муносиб ҳисса қўшди. Ғалабага шунингдек ГФР, АҚШ терма командаларидан ҳам беш киши кирди.

Редактор
**А. ИСМОИЛОВ.**


## Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 18.45 — ТОШКЕНТ. 18.50 — «Ёшлик» студияси «Ўринбосарлар». 19.20 — «Ахборот». 19.35 — СССР халқлари адабиёти. Г. Абашидзе. 20.05 — Ўн минут музика. 20.15 — **«Беш миллион тонна — юбилей йили карраси»**. 20.40 — «Ахборот». 21.00 — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига. **Совет Узбекистони композиторлари С. Юдаков.** 22.00 — «Вақт». 22.30 — **Футбол: «Динамо» (Москва) — ЦСКА.** ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ. «Энг йирик ғалаба» (болалар учун спектакль). 11.45 — **«Йўлбарс»** (бадиий фильм). 18.45 — МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига. «Тошкент» — телепрограммаси. 22.40 — **Отелло** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 20.05 — Фильм-концерт. 20.25 — Эълонлар. 20.35 — **«Иртиш қирғоқларида»** (бадиий фильм).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Қайтиш йўқ — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Шимолий флот юнгаси — «ЎЗБЕКИСТОН», «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Ихтиро — ҲАМЗА номли (19.30, 21.00).

ЁЗГИ БИНОДА

Малиновкадаги тўй — «ФЕСТИВАЛЬ».

Узбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими бўйича давлат комитети

11-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1974—75 ўқув йилига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: тақсимлаш қурилмалари бўйича электромонтёрлар, электр ускуналар ремонти бўйича, электромонтёрлар, кучланиш ва ёритиш ускуналари бўйича электромонтёрлар.

ЎҚИШ МУДДАТИ — БИР ВА ИККИ ЙИЛ.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

10-синфни битирганлар ҳар ойда 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар, 8-синфни битиргайлар давлат таъминотида бўладилар.

БИЛИМ ЮРТИДА ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик тўгараги ва спорт секциялари мавжуд.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки аттестат, паспорт ёки туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка. 3х4 см. катталиклаги 6 та фотосурат.

Ҳужжатлар якшанба кунидан ташқари соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Физкультурная кўчаси, 8-уй.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р. 03631. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри. Индекс 64634 А—2605.